...и: WG16107785

# QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASÍ MINISTRLER KEŃESINIŃ BASLÍĜÍ

**B.SH.AYMBETOV**

X.R.BAYJANOV

J.SH.USNATDINOVA

N.U.YERLEPESOV

A.S.DANIYAROV

M.X.AXMEDOVA

R.K.NURAZIZOV

Qaraqalpaqstan Respublikası Densawlıqtı saqlaw ministrligi

Қарақалпақстан Республикаси Мектепке шекемги билимлендириў министрлиги

Қарақалпақстан Республикасы Жаслар сиясаты ҳәм спорт министрлиги

Қарақалпақстан Республикасы Кәмбағалықты қысқартыў ҳәм бәнтлик министрлиги

QORAQALPOG`ISTON RESPUBLIKASI OILA VA XOTIN-QIZLAR QO`MITASI

Қарақалпақстан Республикасы Қаржы министрлиги

Қарақалпақстан Республикасы Мәданият министрлиги

Қарақалпақстан Республикасы Ишки ислер министрлиги

Hujjat kodi: WG16107785

Қарақалпақстан Республикасы Кәсиплик аўқам бирлеспеси федерациясы

Нөкис қаласы ҳәкимлиги

Елликқала районы ҳәкимлиги

Беруний районы ҳәкимлиги

Әмиўдәрья районы ҳәкимлиги

Кегейли районы ҳәкимияты

Қоңырат районы ҳәкимлиги

Тақыятас районы ҳәкимлиги

Мойнақ районы ҳәкимлиги

Тахтакөпир районы ҳәкимлиги

Шымбай районы ҳәкимлиги

Хожели районы ҳәкимлиги

Қараөзек районы ҳәкимлиги

Қанлыкөл районы ҳәкимлиги

Нөкис районы ҳәкимлиги

Шоманай районы ҳәкимлиги

Бозатаў районы ҳәкимлиги

Төрткул районы ҳәкимлиги

ВМнинг 2023 йил 12 майдаги №06/1-410-сон топшириғи ижросини таъминлаш мақсадида: "Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи умуммиллий ҳаракатини амалга оширишг дастури"ни жорий этиш

QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASI DEN SAWLIQTI SAQLAW MINISTRLIGI
KIRIS № 08/368
"19" 05 2023 j.

# O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
# BOSH VAZIRINING O‘RINBOSARI

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги** (Баситханова)га – йиғин,
**Мактабгача ва мактаб таълим вазирлиги** (Кенжаев)га,
**Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги** (Турдикулова)га,
**Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги** (Рахимова)га,
**Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги** (Турдибоева)га,
**Оила ва хотин-қизлар қўмитаси** (Парпибоева)га,

**вазирликлар ва идоралар**
*(рўйхат бўйича)*

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрь куни Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига мурожаатида “Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи” умуммиллий ҳаракатини бошлаш тўғрисидаги топшириғининг ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 11 апрелдаги 12/1-410-сонли “2023–2025 йилларда “Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи умуммиллий ҳаракатини амалга ошириш дастури” (кейинги ўринларда – Дастур) раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида “Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи умуммиллий ҳаракатини амалга ошириш дастури”ни жорий этиш бўйича Республика ишчи гуруҳи (кейинги ўринларда — Республика ишчи гуруҳи) 1-иловага мувофиқ ташкил этилсин.

3. Қуйидагилар Республика ишчи гуруҳининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Дастурни жорий этишда вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳудудий ишчи гуруҳларига (кейинги ўринларда- Ҳудудий ишчи гуруҳлар) ташкилий-услубий ёрдам кўрсатиш ва фаолиятини мувофиқлаштириб бориш;

тизимли мониторингини олиб бориш, Ҳудудий ишчи гуруҳларнинг ахборотларни эшитиш, уларнинг натижалари бўйича ташкилий-амалий қарорлар қабул қилиш;

ҳар чорак якуни бўйича таҳлилий маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига тақдим этиб бориш.

Hujjat kodi: **WG16107785**

бўйича Республика ишчи гуруҳи 1-иловага мувофиқ ташкил этишингизни; ўн кун муддатда 2-иловада кўрсатилган намуна асосида ҳудудий ҳамда ҳар бир туман ва шаҳар кесимида Йўл харитасини тасдиқланиши ва ҳудудий ишчи гуруҳлар шакллантирилиши; “Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи” умуммиллий ҳаракати дастлабки боскичда ЎзР Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон Фармонига мувофиқ танлаб олинган Нукус шаҳри ва Беруний тумани (3-илова) жорий этиш чораларини кўришингизни; вазирликлар ва идоралар раҳбарлари ҳамда шаҳар ва туманлар ҳокимликлари Дастурни тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш, амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботларни ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлигига чорак якунидан кейинги ойнинг 5 санасига қадар тақдим этиб боришингизни сўрайман.

***Муддет: 30 Sentabr 2023***

**F.U.ERMANOV**

**№3/350**
12 May 2023

4. Белгилаб қўйилсинки:

Республика ишчи гуруҳининг ўз вазифалари доирасида қабул қилган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар учун бажарилиши мажбурийдир;

Республика ишчи гуруҳи ўз вазифаларини амалга оширишда вазирлик ва идоралардан ваколатлари доирасида маълумотларни сўраш ҳуқуқига эга бўлади;

Республика ишчи гуруҳи Дастурнинг ижро ҳолати юзасидан ҳар чоракда бир марта таҳлилларни ўтказиб боради;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ишчи гуруҳининг ишчи органи ҳисобланади.

5. Вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига Дастурни тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш, амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига чорак якунидан кейинги ойнинг 5 санасида кечикмаган муддатда тақдим этиш вазифаси юклатилсин;

**ўн кун муддатда** 2-иловада кўрсатилган намуна асосида ҳудудий ҳамда ҳар бир туман ва шаҳар кесимида Йўл харитасини тасдиқланиши ва ҳудудий ишчи гуруҳлар шакллантирилиши ва вазифалари белгиланиши таъминласин;

“Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи” умуммиллий ҳаракати дастлабки босқичда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ–6110-сон Фармонига мувофиқ танлаб олинган 26 та туман ва шаҳарларда (3-илова) жорий этиш чоралари кўрилсин;

2024 йил 2 январдан бошлаб ижобий тажрибани бошқа туман ва шаҳарларда босқичма-босқич амалга ошириш режалаштирилсин.

Н.Дўсматов, Т.Рапиковга – назорат

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
2

З. Махкамова

2023 йил “12” май

№06/1-410 12.05.2023 й.

QORAQALPOG`ISTON
RESPUBLIKASI SOG`LIQNI
SAQLASH VAZIRLIGI

QARAQALPAQSTAN
RESPUBLIKASI DEN SAWLIQTI
SAQLAW MINISTRLIGI

230105, Nukus shahri, I.Karimov guzarı 152 uy
tel: (998-61) 226-00-48, fax: 226-00-58,
e-mail: info.mz.rk@ssv.uz

230105, No'kis qalası', I.Karimov gu'zarı' 152 u'y
tel: (998-61) 226-00-48, fax: 226-00-58,
e-mail: info.mz.rk@ssv.uz

«29» 05 2023-jıl
№ 02/272

**Ўзбекистон Республикаси**
**Соғлиқни сақлаш вазир**
**ўринбосари Э.Баситхановага**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигинг 2023 йил 22 май кунги 10-13378-сонли хатига кўйдагиларни маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2023 – 2025 йилларга мўлжалланган "Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи" умуммиллий ҳаракатини амалга ошириш дастурида бир қанча вазифалар белгиланган. Дастурга асосан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши тамонидан йўл харита ишлаб чиқилди ва тегишли вазирликларга йўл харитада бир қанча амалга ошириш керак бўлган вазифалар белгилаб берилди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги тамонидан тегишли чора-тадбирлари ишлаб чиқилди ва Нукус шаҳар ва Беруний тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиқларига 2023 йил 23 май кунги 02/3379 сонли кўрсатма хати берилди.

Хусусан «**Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи»** умумиллий ҳаракатини амалга ошириш мақсадида жорий йили Нукус шаҳар ва Беруний туманлари намуна сифатида танланган эди. Нукус шаҳарида Ғаресизлик маҳалла ва унинг аҳолисига хизмат кўрсатувчи 1-сонли ойлавий поликлиника, Беруний туманида Бўстон маҳалласи ва унинг аҳолисига хизмат кўрсатувчи 2-сонли кўп тармоқли марказий поликлиника филиали намуна сифатида таёрланмоқда.

Илова (   ) варақда иборат.

**Вазирнинг биринчи ўринбосари:** **Қ.Ж.Камалов**